O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
310309


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 26 март, № 63 (4726) Пайшанба


# САЛОҲИЯТ ВА ҲАМКОРЛИК КЎЗГУСИ

КЎРГАЗМА

***Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ҳамда шу соҳада қўлланиладиган янги технологияларнинг "World Food Uzbekistan — 2009" тўққизинчи ва "Agro World Uzbekistan — 2009" тўртинчи халқаро ихтисослашган кўргазмалари иш бошлади.***

***Кўргазмаларнинг очилишида таъкидланганидек, мазкур йирик тадбирлар тобора ривожланиб бораётган Ўзбекистон иқтисодиёти ютуқларининг яна бир намойишидир. Негаки, бу ерга ташриф буюрганлар ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишлари билан бирга, иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати тармоқлари имкониятлари билан ҳам яқиндан танишадилар.***



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Шу боис анъанавий кўргазмаларга бўлган қизиқиш ортиб, унинг нуфузи йил сайин ошиб бораётир. Бунинг яна бир сабаби шундаки, дунёнинг кўплаб давлатларини иқтисодий инқироз тобора чулғаб олаётган мураккаб шароитда юртимизда бошқа соҳалар қаторида озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги тармоғи барқарор ривожланмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган оқилона сиёсат ўзининг юксак самарасини бермоқда. Буни 2008 йилда қишлоқ хўжалигида 4,5, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоиз ўсишга эришилгани яққол кўрсатиб турибди. Шунинг учун хорижий мамлакатлар, айниқса, Европа давлатлари Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга, ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилмоқда. Ихтисослашган кўргазмада чет эл компаниялари сони кўпайиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси 2009 йил 27 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2009 йил 26 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# ҲУНАР ЭГАЛЛАГАН ЁШЛАР

**Уларнинг касб маҳорати синовдан ўтди.**

***Бугунги кунда юртимиз ёшларининг касб-ҳунар ўрганишга иштиёқи кучли. Зеро, мамлакатимизда билимли, ҳунарли йигит-қизларни давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Танлов

Хусусан, айни пайтда республикамиздаги мавжуд 1208 та касб-ҳунар коллежида 274 мутахассислик бўйича ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Мазкур билим даргоҳларида ўқитиш тизимини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ўқувчиларнинг билим ва касб маҳоратини амалий машғулотлар, турли кўрик-танловлар орқали мустаҳкамлаб бориш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз амалий натижаларини бераяпти.

Касб-ҳунар коллежларининг битирувчи ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Касб маҳорати" республика танлови ҳам айни шу мақсадларга қаратилган. Ҳозирда 20 та таълим йўналиши бўйича ўтказилаётган мазкур танловнинг республика босқичи ниҳоясига етмоқда.

Куни кеча пойтахтимиздаги Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежида танловнинг "Тикувчилик ва ишлаб чиқариш" таълим йўналиши бўйича якуний босқич беллашувлари бўлиб ўтди.

— Ҳозирда кўплаб коллежлар қошида тикувчилик устахоналари фаолият юритмоқда, — дейди Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи директори Н. Мирсагатова. — Жумладан, шундай устахоналардан 254 таси давлат бюджети, 30 таси Польша давлати томонидан ажратилган имтиёзли кредит ва 6 таси Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобидан дунёнинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган тикувчилик машиналари ва дастгоҳлар билан жиҳозланган. Бу эса ушбу мутахассислик бўйича таҳсил олаётган ўқувчиларнинг амалий машғулотлар орқали касб маҳоратини оширишида қўл келаяпти. Муҳими, иқтидорли ёшларимиз учун яратилаётган бундай имкониятлар бесамар кетмаяпти. Бугунги танлов бу фикримизга ёрқин далил.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган "Касб маҳорати" иштирокчилари икки шарт — тест синовлари ҳамда касбий-амалий топшириқлар асосида ўзаро беллашдилар.

Якуний натижаларга кўра, Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дилобар Тўхтаназарова ғолиб деб топилди.

**Ф. БЎТАЕВ.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Норин туманидаги Ҳаққулобод йигирув-тўқув фабрикаси қошида ташкил этилган "Кланатекстил" Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасининг биринчи навбати ишга тушди.***

## Норинда қўшма корхона

Уни барпо этиш учун жами 5,6 миллиард сўмлик хориж сармояси сарфланди. Бу ерда йилига 1800 тонна экспортбоп калава ип ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

Айтиш лозимки, айни кунларда 185 нафар ишчи ана шу маррани забт этиш мақсадида меҳнат қилаётир. Шунингдек, корхонанинг иккинчи навбати қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Бухоро шаҳридаги "Бухоро" меҳмонхонаси польшаликларнинг 5 миллион долларлик маблағи ҳисобига қайта таъмирланиб, "Бухоро — гранд" номи билан фаолият кўрсата бошлади.***

## «Бухоро гранд»га марҳамат

Тўрт юлдузли меҳмонхона мақомини олган ушбу муассаса кунига 228 нафар меҳмонга намунали хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Табиийки, бунинг учун барча шароит ва қулайликлар яратилган.

Меҳмонхонада ресторан, тадбирлар ва банкетлар зали ишлаб турибди. Бундан ташқари, ҳар бир хона замонавий алоқа воситалари билан таъминланган. Мазкур меҳмонхонанинг ишга туширилиши кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухорога саёҳат қилувчилар сонининг ортишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Қорақалпоғистонда "Аждодлар мероси — келажак асоси" танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.***

## «Аждодлар мероси — келажак асоси»

"Камолот" ЁИҲ ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда қорақалпоғистонлик ёшлар миллий урф-одат ва анъаналар борасида тўплаган билимларини намойиш этдилар.

Қизиқарли ўтган беллашувда Нукус шаҳридаги 32-умумтаълим мактабининг "Ҳумо қуши" жамоаси ғолиб бўлди. Энди улар танловнинг республика босқичида қатнашади.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ҲАҚИДА

***Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби кўплаб хорижий мамлакатлар етакчи иқтисодчилари, таҳлилчи ва экспертлари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.***

Дунё нигоҳи

Китобни таҳлил қилар экан, мутахассислар асарда жаҳон молиявий инқирозининг туб моҳияти ва сабаблари, унинг иқтисодиётга салбий таъсири чуқур таҳлил этилгани, юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари акс эттирилгани, шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари атрофлича ёритилганини таъкидламоқда.

Бу ҳақда сўз юритиб, **Шанхай халқаро тадқиқотлар институти Россия ва Марказий Осиё департаменти директори ўринбосари Цян Сяоюнь,** жумладан, Президентнинг инқироз бирор мамлакатни четлаб ўтишига умид қилиш, унинг таъсирини инкор қилиш ниҳоятда ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлиши тўғрисидаги фикрига эътибор қаратади.

Цян Сяоюннинг айтишича, ислоҳотларни амалга ошириш ва модернизациялашнинг ўзига хос моделини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ишлаб чиқилган Ўзбекистон молия-иқтисодий ва банк тизимидаги ҳимоя механизмлари эвазига мамлакатда молия-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимлари, шунингдек, турли корхоналар ва иқтисодиётнинг реал сектори барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш учун мустаҳкам ва зарурий ресурслар базаси яратилган.

«Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакатда иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликнинг юқори, барқарор ва мутаносиблашган суръатига эришилиб, тизимни тубдан ислоҳ қилиш, иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш борасидаги узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни ҳал этишда ижобий натижалар қўлга киритиляпти, — дейди Цян Сяоюнь. — Муаммо ва қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистонда ўтган йили нафақат иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатиши, балки унинг юқори суръатдаги ўсишини таъминлашга ҳам эришилди.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда, авваламбор, мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш, либераллаштириш ва модернизациялаш, унинг тизимларини диверсификация қилиш борасидаги оқилона, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат инқироз ва бошқа шу каби таҳдидларнинг салбий таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди».

Сўзининг якунида Цян Сяоюнь Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган сиёсат нафақат жаҳон молия-иқтисодий инқирози таҳдидларига самарали қарши туриш, балки инқироз енгиб ўтилгандан кейин янада кучли ва барқарор иқтисодиётнинг шаклланишига, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатини сақлаб қолишга, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш масалаларини муваффақиятли тарзда ҳал этишга хизмат қилишини таъкидлади.

**Франциянинг иқтисодий конъюктура маркази тадқиқотлар бўлими катта иқтисодчиси С. Левассор** Президентнинг асарида жаҳон иқтисодиётида юзага келган инқирознинг сабаб ва оқибатлари аниқ кўрсатиб берилганини қайд этади. «Марказимиз мутахассислари Ўзбекистон раҳбарининг инқироз жаҳон молия тизими жаҳон иқтисодиётидан устун туриши тўғрисидаги фикрни шубҳа остига қўйгани тўғрисидаги қарашига қўшилади, — дейди эксперт. — Ўзбекистондаги макроиқтисодий чоралар, хусусан, бюджет ва валюта сиёсатидаги тадбирларни биз ижобий баҳолаймиз ва улар ўз вақтида қабул қилинди деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатдики, давлатнинг ўтиш давридаги ислоҳотларни назорат қилиши молиявий инқироз салбий оқибатларининг олдини олиш имконини беради. Бу пайтда эса бошқа давлатлар мазкур салбий оқибатларнинг таъсирини тўлиқ сезди. Шу билан бирга, жаҳон глобал молиявий-иқтисодий бозорининг ажралмас қисми бўлгани ҳолда, ҳеч бир мамлакат ўзича алоҳида яшай олмаслиги ва ривожланмаслиги табиий.

Шу маънода Ўзбекистоннинг иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасидаги режаларини фақатгина олқишлаш мумкин. Зеро, улар мамлакатнинг халқаро савдо соҳасига янада жадалроқ интеграциялашувига хизмат қилади. Шу билан бирга, банк ва молиявий тузилмаларга қўшимча ёрдам кўрсатиш, иқтисодиёт реал сектори корхона ва компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш тузилмаларига уларнинг экспорт имкониятларини ошириш учун солиқ имтиёзлари бериш борасидаги чоралар дастури иқтисодиёт асосини кучайтиришга хизмат қилади».

(Давоми 2-бетда).

# МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

***Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигида "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Анжуман

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда ҳолатлардан муҳофаза қилиш борасида қатор ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, шулар асосида кенг қамровли ишлар олиб борилаётир. Бундан ташқари, аҳолини, ҳудудларни ва иқтисодиёт объектларини хавфли ва гидрометеорологик фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қошида Тошқинга қарши Ҳукумат комиссияси ташкил этилган. Тадбирда ана шу ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Маълумки, баҳор фаслида юртимизда ёғингарчилик кўп кузатилади. Бу мамлакатимиз аҳолиси учун айрим кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, жорий йилнинг январь-февраль ойларида фавқулодда вазиятлар кузатилиши мумкин бўлган сув ҳавзалари қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилди. Республика ҳудудидаги 10 та сув омбори, 6 та селхона ва сел оқимларини қабул қилиш ва сув тошқинини талафотсиз ўтказиб юборишга тайёрлиги яна бир бор кўздан кечирилди. Бу тадбирларни янада самарали бажариш мақсадида 75 та назорат-кузатув пости ташкил этилди.

Тадбирда фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини енгиллаштиришда, шу жумладан, аҳоли ўртасида тегишли тушунтириш ишларини олиб боришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта эканлиги таъкидланди. Шунингдек, журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар батафсил жавоб қайтаришди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



## Қишлоқ хўжалигига — янги техникалар

**2009** йил мобайнида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермер хўжаликларига **7547** та янги техника воситаси етказиб берилади.

**Лизинг асосида, тижорат банклари кредитлари ва махсус жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ана шу техникалар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш имконини беради.**

# ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Португалиянинг «Диару ле Нотисиаш» кундалик нашри иқтисодий таҳлилчиси Р. де Бокасташ** Ўзбекистон Президентининг айни пайтда жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиши башоратлари, шунингдек, уни енгиб ўтиш йўллари борасида жавоблардан кўра саволлар кўпроқ экани тўғрисидаги фикрини қўллаб-қувватлади.

— Китоб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш масалаларини бугунги Ўзбекистоннинг иқтисодий шароитидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этиши билан алоҳида аҳамият касб этади, — дейди эксперт. — Шу ўринда Ўзбекистонда давлат томонидан иқтисодиёт механизмлари ишлашининг самарадорлигини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш борасида қабул қилинган тезкор чора-тадбирлар эътиборга молик.

Эксперт, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг мамлакат иқтисодиёти халқаро молиявий-иқтисодий алоқаларга тобора чуқурроқ интеграциялашиб бораётган бир пайтда, инқироз ва унинг оқибатлари мамлакатга қайсидир маънода салбий таъсир ўтказишда давом этиши тўғрисидаги фикри асосли эканига эътибор қаратади.

— Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида ҳар бир мамлакат миқёсидаги бу каби сафарбарлик айни пайтда тобора кенгайиб бораётган жаҳон молия-иқтисодий инқирозини самарали енгиб ўтишга хизмат қилиши шубҳасиз, — деди эксперт.

**Латвиянинг етакчи иқтисодчиларидан бири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Илья Герчиков**, Президентнинг асарида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ниҳоятда теран таҳлили ва Ўзбекистон шароитида уни енгиб ўтиш борасидаги чуқур ўйланган ва амалга ошириш реал бўлган чора-тадбирларни ифода этишини таъкидлайди.

— Инфратузилмани ривожлантириш, давлатнинг кичик бизнесни, шу жумладан, банк тизимини қўллаб-қувватлаши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан янгилаш — бу Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўз вақтида амалга оширилаётган чоралардир, — дейди И. Герчиков. — Ўзбекистондаги молиявий-иқтисодий вазиятга салбий таъсир ўтказилишининг олдини олган асосий сабаблардан бири эса китобда батафсил айтиб ўтилган мамлакат раҳбариятининг мўътадил ва аниқ пул сиёсатидир.

Экспертнинг фикрича, инқирозга қарши чоралар дастурида қишлоқ хўжалиги ва фермерликни ривожлантириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, уни мақсадли кредитлаш, қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш борасидаги аниқ тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, бу, ўз навбатида, янги иш жойларининг яратилиши ва иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига хизмат қилиши билан ҳам эътиборга молик.

— Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат бўлиб, улкан ресурслар ва салоҳиятга эга. У Марказий Осиё давлатларининг ривожланиши жараёнида етакчи аҳамият касб этади. Китобда урғу берилган устувор мақсадларни амалга ошириш, дунёнинг қатор давлатларида, жумладан, иқтисодий ривожланган давлатларда ҳам инқироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда, Ўзбекистонга ривожланишнинг янги, янада юқори даражасига чиқиш имкониятини бериши шубҳасиз, — деди И. Герчиков.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби тақдимоти Украина Миллий авиация университетининг Халқаро алоқалар институтида бўлиб ўтди.

Асар тақдимот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Институт талаба ва ўқитувчилари ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиб, китоб ҳақидаги таассуротлари билан фаол ўртоқлашишди.

Тадбирда сўзга чиққан **институт директори О. Дёмин**, Ўзбекистон Президентининг китоби ўз вақтида ёзилган ва ниҳоятда долзарб асар эканини қайд этди ва тақдимот маросими Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги ривожланиши ва мамлакатда жаҳон молиявий-инқирози оқибатларини енгиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида чуқурроқ маълумот олиш имкониятини берганини таъкидлади. Иқтисодиётни ислоҳ қилишда давлатнинг ролини юқори баҳолаб, олим Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва уни Украина шароитида қўллаш имкониятига алоҳида эътибор қаратди.

**Институт проректори В. Дорошенко** Ўзбекистоннинг ўзига хос муҳим жиҳатлари — жадал иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ва инвестиция киритиш учун яратилган қулай шароитлар баробарида, ижтимоий соҳага устувор эътибор қаратилиши, мамлакат раҳбариятининг аҳоли турмуш даражасини юксалтириш доимий диққат марказида эканлигини айтиб ўтди.

**«Экономические обозрения» газетаси шарҳловчиси В. Москаленко** инқироз шароитида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган дастурларини амалга ошириш бошқа мамлакатлар учун ҳам ибратли мисол бўлишини таъкидлади.

— Бугунги кунда улкан молиявий захираларга эга бўлган мамлакатлар кўп, — деди журналист. — Аммо инқироз шароитида улардан самарали фойдаланиш, ўзининг ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг реал секторидаги дастурий чора ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон раҳбарияти нафақат инқироз асоратларини юмшатиш, балки мамлакат компанияларининг халқаро бозордаги нуфузини янада юксалтириш йўлларини намойиш этмоқда.

**«Жаҳон» АА.**

---

*Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси олдидан*

***Инсон шаъни — олий қадрият. Шу боисдан барча саъй-ҳаракатлар, ислоҳотлар марказида шахс ва унинг манфаатлари туради. Истиқлол йилларида мана шу устувор тамойилни рўёбга чиқариш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоялаш Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил этди. Буларнинг барчаси, албатта, Конституция ва қонунларимизда белгиланган тартиб-тамойиллар асосида бажарилаётир.***

# ОМБУДСМАН ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

## *инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоялашга хизмат қилади*

Дарҳақиқат, мустақиллик инсонга ўзини намоён этиш ҳуқуқини берди. Ҳар бир ўзбекистонлик бугун миллати, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, жамиятнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этмоқда. Миллий қонунчилигимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлангани, тегишли институтларнинг тузилгани бу борада айни муддао бўлмоқда. Хусусан, бугун мамлакатимизда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари миллий маркази баробарида Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган махсус тузилмалар фаолият олиб бормоқда. Эътиборлиси, бу ишлар кўлами жамият ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини оширишга қаратилган кенг миқёсли тадбирларни рўёбга чиқариш, республикада суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор қонунчиликни такомиллаштириш орқали янада кенгаймоқда. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам мана шундай мақсадни кўзлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида сенаторлар муҳокамасига киритилаётган мазкур ҳужжат лойиҳаси Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган. Қонунни қуйи палата қабул қилган ҳамда Сенатга маъқуллаш учун юборган.

Маълумки, Омбудсман институти Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда жорий этилди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. Бугунги кунда парламент омбудсмани мамлакатимиз фуқаролари ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалашда муҳим институтлардан бирига айланди. Айниқса, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш учун омбудсман ваколати янада кенгайтирилди. Қўмитамиз томонидан ялпи мажлисда сенаторлар муҳокамасига киритилаётган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизнинг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Божхона кодексларига, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни кўзда тутмоқда. Уларда Вакилнинг дахлсизлиги кафолатларини таъминлаш масалалари янада аниқ расамадга солиниши белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида белгиланишича, шикоятларни кўриб чиқиш чоғида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари бузилган ҳолларни ўз ташаббуси билан текшириш чоғида омбудсман ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахслар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Ушбу қоидани амалга ошириш мақсадида Жиноят-процессуал кодекси 216-моддасининг иккинчи қисми янги норма билан тўлдирилмоқда. Унга биноан, процессуал мажбурлов чораларини ижро қилувчи жойлар маъмурияти ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан учрашиш ва суҳбатлашиш учун шароит яратиши лозим. Айни пайтда мамлакатимиз Жиноят-ижроия кодексининг жазони ўташ жойларига кириш тартибини белгилайдиган 18-моддасига киритилаётган иккинчи қисмга кўра, омбудсман жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.

Маълумки, юқорида номи зикр этилган омбудсман фаолиятига дахлдор Қонуннинг 18-моддасида белгиланишича, Вакил, яъни омбудсман дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда Жиноят-процессуал кодексининг 223-моддасига ушлаш чоғида дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланувчилар сирасига Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) киритилмоқда ва бу билан омбудсман дахлсизлиги, уни ушлаш масаласининг ечими процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси учинчи қисмига биноан, Вакилни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек, унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар-жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди. Бу қоида орқали Божхона кодекси 50-моддаси омбудсманнинг шахсий багажи божхона текширувидан озод этилишини назарда тутадиган норма билан тўлдирилмоқда.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотининг ҳозирги босқичида инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашнинг энг оптимал усуллари жорий этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи, санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилгани, ўлим жазосининг бекор қилиниши шулар жумласидандир. Биз фикр юритаётган Қонунда ҳам маҳкумларнинг омбудсман билан муносабатларига рағбат берадиган янги норма белгиланмоқда. Юқорида қайд этилган Қонуннинг 19-моддасида қайд этилишича, Вакил (омбудсман)га шикоят берган шахс шикоят бергани учун таъқиб қилиниши ёки ҳуқуқлари бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Бу эса Жиноят-ижроия кодексининг 40, 79-моддаларига ўзгартишлар киритишга туртки беради. Уларга мувофиқ, жазони ижро этувчи муассаса маъмуриятининг маҳкумнинг омбудсман билан ёзишмаларини цензурадан ўтказишга доир ҳаракатлари чекланади.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) тўғрисидаги Қонунда Вакил (омбудсман) ўринбосари тегишли тартибда Олий Мажлис палаталари томонидан сайланиши белгиланган. Бироқ бу норма “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларида кўзда тутилмаган. Шу муносабат билан мазкур қонунларнинг тегишли моддаларига Вакил ўринбосарига оид қоида киритилмоқда.

Умуман, ушбу Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши катта аҳамиятга эга. Зеро, у мамлакатимиз парламентининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини самарали ҳимоялашга хизмат қилади. Қонунчиликдаги нормаларни бирхиллаштиради. Энг муҳими, инсон ҳуқуқини таъминлашга риоя этилишида омбудсман имкониятларини кенгайтиради.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**

---

# БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

***Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.***

**Бандлик**



Унда шаҳардаги 870 та корхона, ташкилот ва муассаса 12 мингга яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этмоқда. Бу ерга касби бўйича ишга жойлашиш ниятида келган фуқаролар учун зарур бўлган барча маълумотлар тақдим этилиб, тегишли йўл-йўриқлар берилмоқда.

— Корхонамиз электр ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди “Ўзэлектроаппарат-электрощит” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси масъул ходими Турсун Жалилов. — Эътиборлиси, кейинги икки йил ичида корхона хориждан келтирилган замонавий қурилмалар билан жиҳозланди. Натижада янги иш жойлари вужудга келди. Ушбу меҳнат ярмаркасининг ўтказилаётгани айни муддао бўлди. Имкониятдан фойдаланиб, ўзимиздаги бўш иш ўринлари учун салоҳиятли ёшларни жалб қилмоқчимиз.

— Менга “Қайс гилам тўқиш” ўқув маркази томонидан таклиф этилаётган иш ҳар жиҳатдан маъқул келди, — дейди Учтепа туманида яшовчи Нигора Муродова. — Аввалига уч ой гилам тўқишни ўргатишар экан. Бундан ташқари, марказ томонидан стипендия ҳам тўланаркан. Касбимни чуқур ўрганганимдан сўнг мустақил ишга киришишим мумкин.

Меҳнат ярмаркасининг илк иш куни самарали бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 7451 нафар фуқарога доимий ишлаш учун йўлланма берилди.

Ярмарка бугун ҳам ўз ишини давом эттиради.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

---

**Самарқанд томонларда**

### Қишлоқда кийим фабрикаси

Оқдарё туманидаги Ойтамғали қишлоғида тадбиркор Абдураҳим Каримов саъй-ҳаракати билан “Гулрухсора-Озода чевари” хусусий кийим фабрикаси қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир корхонада 44 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар томонидан эркаклар ва болалар костюм-шимлари, аёллар кофта-юбкаси, чопон, нимча ҳамда кўрпа-кўрпача ва зардўзлик маҳсулотлари тикиб тайёрланаётир.

### Икки қаватли молия биноси

Байрам арафасида Нуробод тумани ҳокимлиги Молия ва ғаллачилик бўлими жамоаси икки қаватли янги бинода иш бошлади. Мазкур бино қурилиши “Б-ФЛУБЕР” корхонаси томонидан амалга оширилди. Ушбу янги бино учун жами 458 миллион сўм маблағ сарфланган бўлиб, у барча қулайликларга эга.

### Ғолиблар республика биринчилигида қатнашади

Самарқандда Ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази ва Болалар жамғармаси вилоят бўлимлари томонидан “Ижодкор ихтирочи” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда туман ва шаҳарлардан сараланган иқтидорли ўқувчилар 5 та йўналиш бўйича баҳс олиб бордилар. Ғолиблар танловнинг республика босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритишди.

**А. САТТОРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

---

# САЛОҲИЯТ ВА ҲАМКОРЛИК КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу галги кўргазмаларда Австрия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Дания, Ҳиндистон, Испания, Италия, Хитой, Малайзия, Польша, Россия, Туркия сингари дунёнинг 26 давлатидан 80 дан зиёд компания ва фирмалар замонавий технологиялари билан иштирок этмоқда. Эътиборлиси, уларнинг 40 фоизи Ўзбекистон бозорига маҳсулотларини илк бор таклиф этмоқда. Австриянинг "Almi" фирмаси шулардан бири.



— Бизнинг корхонамизда озиқ-овқат саноати, хусусан, колбаса ишлаб чиқаришда қўлланиладиган воситалар, зираворлар, жами 33 минг хил маҳсулот ишлаб чиқарилади, — дейди фирманинг савдо директори Ильза Шнайдер. — Уларнинг асосий қисми дунёнинг ўнлаб давлатларига экспорт қилинади. Ўзбекистонга кейинги пайтда Австрия компанияларининг гўшт ва сутни қайта ишлаш линиялари етказиб берилаяпти. Бу мамлакатимизда озиқ-овқат саноати ривожланиб бораётганидан далолат беради, албатта. Шунинг учун биз юртингиз ишбилармонларига гўштни қайта ишлашда зарур бўлган маҳсулотларимизни таклиф қилаяпмиз. Кўргазма давомида бу борада янги мижозлар ва ҳамкорлар топишимизга ишончим комил.

Кўргазма залларини айланган киши озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда қўлланиладиган энг замонавий технология ва ускуналар ҳақида муайян тасаввурга эга бўлади. Негаки, маҳсулотлар маълум бир йўналиш ва мавзулар бўйича намойиш қилинаяпти. Жумладан, қишлоқ хўжалиги учун техникалар, мева-чевани қайта ишлаш ва қадоқлаш линиялари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган минитехнологиялар, қандолатчилик ва салқин ичимликлар ишлаб чиқариш ускуналари, шунингдек, аграр тармоқ учун зарур асбоб-ускуналар, ветеринария препаратлари жой олган. Ташкилотчиларнинг айтишича, кўргазмалардаги маҳсулотлар тури ва ҳажми 2008 йилдагига нисбатан 10 фоизга ошган.

— Юртингизга илк бор ўтган йили шу кўргазма баҳонасида келгандим, — дейди Германиянинг "Hansa Mixer" компанияси менежери Кристиян Штокер. — Ўшанда кўплаб ҳамкорлар топиб, маҳсулотларимизни сотдик. Бугун улар билан суҳбатлашиб, хурсанд бўлиб турибман. Ҳамкорликни давом эттирмоқчимиз-да.

Кўргазмада қандолатчилик линияларимиз билан қатнашаяпмиз. Билсангиз, шоколад ишлаб чиқариш ўта мураккаб жараён бўлиб, у бир неча босқичдан иборат. Бу замонавий ва ўта аниқ ишлайдиган технологияни талаб этади. Биз таклиф қилаётган линиялар бунга тўла жавоб беради. Муҳими, тежамкор ва юқори унумлидир.

Мамлакатимизда жорий йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб номлангани "Agro World Uzbekistan — 2009" халқаро кўргазмаси ташкилотчиларига янада масъулият юклади. Иштирокчилар сони ва намойишга қўйилган маҳсулотлар ҳажми кўпайиши инобатга олинган ҳолда, тадбирга жиддий тайёргарлик кўрилгани айни муддао бўлди.

Кўргазмада қишлоқ хўжалиги, жумладан, ўсимликшунослик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари, ўғит ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш жиҳозлари, иссиқхона хўжалиги технологиялари ва бошқа кўплаб ускуна ва маҳсулотлар намойиш қилинмоқда. Соҳа ходимларини улар билан яқиндан таништириш мақсадида кўргазманинг иккинчи куни “Фермерлар куни” деб эълон қилинди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# «ЎҒЛИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН»

**Фарзандининг муддатли ҳарбий хизматни кўнгилдагидек ўтаб қайтаётганини эшитган она қувончини тасаввур этиш қийин эмас. Ота соғинчини айтмайсизми? Коғон темир йўл бекатига ўғлини кутиб олгани чиққан Зубайдулла аканинг сўзларига қулоқ тутинг-а:**

**Мардлар қўриқлайди Ватанни**

— Ўғлим Аллиёржон билан фахрланаман, — дейди у. — Ўз йигитлик бурчини аъло даражада ўтаб қайтаётганини эшитиб, жуда мамнун бўлдим. Темир йўл бекатида йигитларни кутиб олгани чиққан ҳокимлик, мудофаа ишлари бошқармаси, жамоатчилик вакилларини кўриб ғururимга ғурур қўшилди. Қаранг, фарзанд тарбияси йўлидаги заҳматларимиз зое кетмабди. Ўғилларимиз армияда чиниқиб, ҳаёт мактабини ўтаб қайтишаяпти. Энди улар қанотимизга киришади.

Шофиркон туманидаги Дўрмон қишлоқ фуқаролар йиғини Шибирғон қишлоғида яшовчи Зубайдулла Нуров кўнгилдаги гапни айтди.

Худди шу паллада бекатга ўз яқинларини кутиб олгани чиққанлар жонланиб қолишди. "Тошкент — Бухоро" йўналиши бўйлаб қатновчи поезд тўхтаган заҳоти ҳарбий оркестр садоси янграб, аскарларни кутиб олиш маросими бошланди. Бир-бирининг дийдорига ошиққан, кўзларидан нур ёғилиб турган бу бахтиёр инсонларга боқиб, халқимизга хос меҳр-оқибатлилик, шукроналик туйғуси қалбларга чуқур илдиз отганига амин бўласан, киши.

Тантанали кутиб олиш маросимидан сўнг йигитлар ўзлари истиқомат қиладиган туманларга махсус ажратилган автобусларда жўнаб кетишади. У ерда эса уларни кутиб олувчилар қаторида Бандликка кўмаклашиш маркази ходимларини кўрасиз. Бу бежиз эмас. Армиядан қайтган йигит эртага ишлаши, оиласига нафи тегиши, Зубайдулла ака айтганидек, ота-она қаватига кириши лозим. Бандликка кўмаклашиш маркази айнан шу масалада йигитларга ёрдам беради.

— Ҳозиргача муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган бир гуруҳ йигитларни ана шундай тарзда кутиб олдик, — дейди офицер Ф. Бегимов. — Улар орасида ўз бурчини ўташ даврида барчага намуна кўрсатиб, олий ўқув юртига ўқишга кириш учун имтиёзга эга бўлган ҳолда армиядан қайтган 54 нафар йигит ҳам бор...

Тушга яқин Коғон темир йўл бекатида муддатли ҳарбий хизматдан қайтган йигитларни кутиб олишга бағишланган яна бир тантанали маросим бўлиб ўтди. "Андижон — Бухоро" поездидан тушиб келаётган соғлом, бақувват аскарлар, уларни бағрига босаётган отахону онахонларга боқиб, тинчлик ва осойишталик, эл-юрт, она-Ватан қадри осмон қадар юксак эканини дил-дилдан яна бир карра ҳис этдик.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Бунёдкор халқимизнинг азму шижоати билан барпо этилаётган кўркам иншоотлар, муаззам кўприклар, олис сарҳадларга чўзилган йўллар, чекка қишлоқларгача кириб борган сервис хизмати шохобчалари, янги иш бошлаётган қўшма, хорижий шўъба корхоналари кўнгилларда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Уларда меҳнат қилаётган минг-минглаб ёшлар ҳавасингизни келтиради. Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, коммуникация сингари ўнлаб соҳалар ёшларни, айниқса, малакали мутахассисларни ўз бағрига чорламоқда.*




Якунланган йилда Андижон вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда ёшлар учун 80 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилгани фикримиз исботидир. Меҳнат бозорида 2676 та корхона, ташкилот, муассаса ўзларининг 13425 та бўш ишчи ўрни таклифини ўртага ташлади. 10639 нафар йигит-қиз муқим иш жойига эга бўлди.

Оила аталмиш муқаддас даргоҳнинг иссиқ бағрида ширин ҳаёт кечираётган, тенгқурлари билан яйраб-яшнаб меҳнат қилаётган, осуда ва тинч ўтаётган ҳар бир кунга шукроналар келтираётганлар орасида Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида истиқомат қилган Умиджон Мадумаров, Баҳодир Эрназаров, Бахромжон билан Бегижон Норқуловлар номини учратмайсиз. Тоғни урса талқон қилгудай бўлган бу йигитлар Турсунпўлат Холматов деган кимсанинг пуч ёнғоқларига чиппа-чин ишондилар.

— Қозоғистонда пул дегани сочилиб ётибди, уларни йиғиштириб олиш учун сал энгашсаларинг бас, — содда, оққўнгил йигитларни аврай бошлади Турсунпўлат. — Ҳар ойда кам деганда 400 долларни қуртдай санаб оласизлар. Қани, паспортларингни олиб мен билан юринглар. Олмаота вилоятининг Талгар туманига бирга борамиз.

Йигитлар кўзига жарақ-жарақ бўлиб кўринган пуллар ҳам, жаннатий ҳаёт ҳам сароб бўлиб чиқди. Мусофирчиликда ит азобида кун кечиришга тўғри келди. Ва охир-оқибат, бир илож қилиб Ўзбекистонга қочиб ўтишди. Тегишли идораларга ариза битишди.

Биз аёлларни гулга қиёслаймиз. Оқила, донолигига таъзим ила бош эгамиз. Аммо ўзининг муқаддаслигини, ҳилқатлигини унутган айрим аёллар нафс илинжида одамфурушликка ҳам қўл урмоқдалар. Мавжуда Пирматова Булоқбоши туманининг Найман қишлоғида яшайди. Беш нафар фарзанди бор. Бу доғули аёл Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида истиқомат қилувчи Мавлуда Мўминова билан танишгач, жиноий тил бириктиришади. "Зўр иш бор, ётоғи тайин, иш ҳақига фақат кўкидан оласизлар", дея найманлик олти нафар фуқаронинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиришади. А. Аҳмедов, Э. Алчиев, К. Сиддиқов ва уларнинг уч нафар танишини Қозоғистоннинг Кустанай шаҳрида яшовчи Собит ҳамда Гулнора исмли кимсаларга 1700 АҚШ доллари эвазига қул қилиб сотиб юборишади.

Йигитларга ўзга юртда ишлаш осон кечмади. Ўта оғир шароит уларни сал бўлмаса тўшакка "михлаб" қўяёзди. Иш ҳақидан эса дарак бўлмади. Оёғидан ўт чақнаб, вужудидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган бу йигитлар ёшлик кучининг бутун қаймоғини хорижда сарфлаб, абгор бўлиб ўз юртига қайтиб келди.

— Хўп, улар-ку ёшлик қилиб фирибгарларнинг алдовига лаққа тушибди ҳам дейлик, — мулоҳаза юритади Избоскан туманининг Қўшкўприк маҳалласи фаоли Зайнобиддин ака Тожиддинов. — Ёши бир жойга бориб қолган, ақлли-ҳушли биз, катталарга нима бўлган ўзи? Юқорида номлари тилга олинган, алданган йигитларнинг ота-оналари "Болам, ҳушингни йиғ, олисдаги асалдан ўзимизнинг новвот афзал, ўша ердаги меҳнатни шу ерда қилсанг яхшигина пул топасан", деса бўлмасмиди? Фарзандларимизнинг аччиқ, аламли қисматида бизларнинг ҳам катта "ҳиссамиз" бор.

Тўнғич ўғлим Исломбек атроф-музофотда танилган, эл оғзига тушган дурадгор. У тайёрлаган эшик-ромлар қўлма-қўл. Уйимни тиклаб беринг, томимни қачон ёпасиз, полга қараб қолдик уста, дея йўқлаб келувчилар кўп эди. Бир куни ишдан келсам, дарвозамиз рўпарасида хорижнинг автомобили турибди. Ичкари кирсам, башанг кийинган икки нафар йигит ўғлимни ўртага олиб "Бу ерда бир ойда топадиган пулни у ёқда икки-уч кунда топасиз, уйингизга ойма-ой пул жўнатасиз — кўкидан, бир йилга қолиб-қолмай машинали бўласиз", деб бошини айлантиряпти. Қарасам, боласи тушмагурнинг кетгиси бор. Бояги меҳмонларни кузатиб қўйгач, "Қонуний йўл билан хорижга ишлаш учун борсанг розиман, аммо бояги нусхалар билан кетсанг, билиб қўй бола, мендан яхшилик кутма", дедим. Қаттиқ турдим. Бу орада маҳалламиздаги Абдулла аканинг ўғли йиқилиб, елкаси майиб бўлиб Россиядан қайтиб келди. Уни олиб келиш, даволатиш учун кетган сарф-харажатлар унчамунча одамнинг лабига учуқ тоширади. Пул-ку қўлнинг кири – бир амаллаб топилар. Лекин бола бечора бир умрга ногирон бўлиб қолди. Ўғлимнинг кўзи мошдай очилди. Ўз ишига шўнғиб кетди. Меҳнат қилиб топганини тўплаб, бир йилда бўлмасаям, икки йилда "Тико" олиб бердим.

Ўз уйинг — ўлан тўшагинг, дейдилар. Ёшларимиз миграция хизмати рўйхатидан ўтмай туриб, мўмай пул илинжида хорижга йўл олиш ўз қисматига ўзи чоҳ қазиш билан баробар эканини англаб етмоқлари зарур. Ўзининг гулдай фарзандини бетайин кимсалар қўлига топшираётган, ширин ёлғонларга учаётган ота-оналар мудроқ босган кўзларини очишлари керак. Ахир еру кўкка ишонмай вояга етказган, умид кўзларини тиккан ўғлони ёки маъсума қизи майиб-мажруҳ бўлиб қолса, ёмон отлиққа айланса, бундан даҳшати борми?!

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт

# МУХЛИСЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНАДИМИ?

***28 март куни пойтахтимиздаги "Пахтакор" марказий стадионида Ўзбекистон — Қатар терма жамоалари 2010 йилда бўладиган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи тўртинчи босқич саралаш учрашувининг олтинчи турида майдонга тушадилар.***

Афсуски, футболчиларимиз ушбу босқич ўйинларини кўнгилдагидек ўтказа олмаяптилар. Бугунгача бўлиб ўтган бешта учрашувнинг тўрттаси мағлубият билан якунланган бўлса, битта ўйинда дуранг (Япония)га эришдилар. Шунинг учун, тўртинчи саралаш босқичининг қолган ўйинларида футболчиларимиздан фақатгина ғалаба учун кураш олиб бориш талаб этилади.

Бош мураббий Миржалол Қосимов 28 март куни Тошкентда Қатар ва 1 апрель куни сафарда Австралия терма жамоаларига қарши кечадиган беллашувлар олдидан ташкиллаштириладиган ўқув-йиғин машғулотларига жалб қилинган футболчилар рўйхатини эълон қилди.

Агар таркибга эътибор берадиган бўлсак, бу сафар бир қатор ўзгаришлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Жумладан, "Пахтакор" сафида сўнгги пайтларда мазмунли ўйин намойиш қилаётган ёш ярим ҳимоячи Станислав Андреев илк маротаба мамлакат бош жамоасидан таклиф олди. Шунингдек, Италия "С" сериясининг "Пескара" жамоаси сафида тўп сураётган Илёс Зейтуллаев ҳам икки йиллик танафусдан сўнг яна миллий терма жамоага жалб қилинди.

Бундан ташқари, Баҳрайн билан ўйин олдидан жароҳати туфайли таркибга чақирилмаган "Пахтакор"нинг қанот ҳимоячилари — Илҳом Суюнов ва Ислом Иномовлар ҳам 27 нафар футболчи сафидан жой олишди. "Пахтакор"нинг бошқа бир ҳимоячиси Анзур Исмоилов эса 2 та сариқ карточка олиб, дисквалификация қилинганлиги сабабли Қатар билан бўладиган баҳсда иштирок эта олмайди. У фақатгина Австралия термасига қарши кечадиган учрашувдагина терма жамоага ёрдам бериши мумкин.

"Бунёдкор" ҳужумчиси Улуғбек Бақоев ҳамда "Пахтакор" аъзолари — Асрор Алиқулов ва Шерзод Каримовлар эса бу галги йиғин олдидан захира футболчилари сифатида қайд этилганлар.

Қатар терма жамоасининг делегацияси бугун Ўзбекистон пойтахтига ташриф буюради. Қатар терма жамоаси ўтган ҳафта охирида Сурия билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Дамашқда бўлиб ўтган ўйинда Бруно Мэтсю шогирдлари 2:1 ҳисобидаги ғалабани қўлга киритдилар.

Таъкидлаш лозимки, ушбу ўйиндан тўрт кун аввал ҳам Қатар терма жамоаси ўз майдонида қувайтлик футболчиларни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишганди. Дарвоқе, мазкур беллашувни Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов Доҳадаги стадионда бевосита томоша қилган.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# Риштонлик полвонлар муваффақияти

***Риштонлик полвонлар мамлакат ва халқаро миқёсда уюштириладиган мусобақаларда доимо муваффақиятли иштирок этиб келишади.***

Яқинда улар бу бежиз эмаслигини Урганч шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон биринчилигида ҳам исботлашди.

Туманнинг Жаҳонобод қишлоғилик Шуҳрат Обиджонов 52 килограммгача вазн тоифасида совриндор бўлган бўлса, 90 килограммгача бўлган вазн тоифасида Бобур Турсуновга тенг келадигани топилмади. У мутлақ вазн тоифасида ҳам чемпионликни қўлга киритди.

Бобуржон энди юртимиз шарафини жаҳон чемпионатида ҳимоя қилади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

MDIS Tashkent
Management Development Institute of Singapore
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ
2009/2010 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИ
"ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ"ГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
28 - 29 МАРТ
10.00 - 17.00
Бакалавр
• Туризм
• Бизнес ва маркетинг
• Банк иши ва молия
• Ахборот технологиялари
• Тадбиркорлик ва бошқарув
Инглиз тили тайёрлов курслари
• Кўп босқичли инглиз тили
• Академик инглиз тили IELTS тизими бўйича
• Интенсив инглиз тили
Омадли келажакка биз билан эришинг!
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 100185, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 28-уй.
Тел.: 271-77-00, 276-90-94.
Хизматлар лицензияланган




**Санъат**

# Ёш рассомлар кўргазмаси

***Тошкент Фотосуратлар уйида Республика санъат мактаб-интернати ўқувчилари Гулрухсор Илҳомжонова ҳамда Валерия Панкратованинг ижодий ишлари кўргазмаси бўлиб ўтди.***

Кўргазмада ёш мусаввирлар томонидан графика, натюрморт, портрет йўналишида яратилган юзга яқин ижодий ишлар санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

**Юлдуз МАМАЮСУПОВА.**

«Росагропромснаб» МЧЖ
«Гобой-1» русумли ультратовушли
ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРНИ
таклиф этади.
Баҳоси — 1 365 000 сўм ва ундан юқори.




Барча етказиб бериладиган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати мавжуд. Маҳсулотнинг кафолат муддати — ўрнатилган кундан бошлаб 12 ой. Корхона турли диаметрдаги фильтрларни алоҳида етказиб беради.

| Ду, мм. | Ўлчами типи | Энг кам сарфлаши, Qмин, соатига м³ | Энг кўп сарфлаши, Qмин, соатига м³ |
| --- | --- | --- | --- |
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, Ц даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.
Маҳсулот сертификатланган.



NEW HOLLAND TL5060
FIAT GROUP
TEL.: 120 60 97 - 120 89 58
NEW HOLLAND AGRICULTURE
СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ – БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Ишлаб чиқарувчи корхона аҳолига ва корхоналарга қуйидаги хизматларни кўрсатади:
- қалинлиги 10 мм. гача бўлган барча турдаги металларни букиш;
- барча пайвандлаш хизматлари;
- мижоз материалидан (металл) маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 120-74-50, 120-74-76. Факс: 120-73-55.

# ОБ-ҲАВО

(26 март)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Айрим жойларда ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 7-12 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлади. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Тунда 10-15, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 8-10 даража илиқ, кундузи 19-21 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Жиззах шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси **Малика Маҳмудовна КАМОЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг қариндош-уруғлари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

"Саодат" журнали жамоаси Жиззах шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси **Малика Маҳмудовна КАМОЛОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Ноорганик моддалар технологияси кафедраси доценти Абдулла Шараповга фарзанди **ФОТИМАХОНнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 233-57-47. ФАКС: 236-09-21. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.00 7